

Ўзбекистон Республикаси номидан

Хужжат имзоланган: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович, 29.10.2021



Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг сайёр суд мажлиси, Андижон шаҳар ИИОФМБ ЙХХБ биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи - шаҳар судининг судьяси К.Шахобутдинов,

судья ёрдамчиси М.Умаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Сайназаров, судланувчи М.Умурзаков ва унинг ҳимоячиси М.Жамолов иштирокида, жабрланувчи Н.Шин қатнашувида Ўзбекистон Республикаси ЖК

266-моддасининг 2-қисми билан айбланган Умурзаков Махамаджон Нурдиновичга оид 1-1701-2102/638 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Умурзаков Махамаджон Нурдинович (Umurzakov Maxamadjon Nurdinovich), 1956 йил 12 январь куни Пахтаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзандлари бор, илгари судланмаган, ишсиз, Пахтаобод тумани, Навбаҳор маҳалласи, Ёнғоқзор кўчаси 33-уйда яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2021 йил 28 сентябрь куни олган.

Суд судланувчи ва жабрланувчини кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:



Судланувчи М.Умурзаков, 2021 йил 09 август куни соат 12-00 ларда бошқарувида бўлган “Тико” русумли 60 В 713 ЕА давлат белгили автомашинада Андижон шаҳар Амир Темури кўчасида “Янги бозор” йўналиши бўйича ҳаракатланиб кетаётиб, амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 11-бандининг 1-қисмида “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак” деган, 77-банди 3-қисмида кўрсатилган “ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўхтаниш бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган, 109-бандида «тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойига яқинлашаётган транспорт воситасининг ҳайдовчиси шу йўналишда қатнов қисмини кесиб ўтаётган пиёда(лар)ни ўтказиб юбориш учун тезлигини камайтириши ёки тўхташи шарт» деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, транспорт қатнов йўлидаги пиёдалар ўтиш йўлакчасидан ўтаётган фуқаро Пак Моисей Йен-Хаковични автомашинанинг олди томони билан уриб юбориб, унга ҳаёт учун хавфли бўлган «оғир» тан-жароҳати олиб вафот этишига сабабчи бўлган.



Судланувчи М.Умурзаков судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил август ойи бошларида Латипжон исмли шахс келиб, ўзига тегишли автомашинани сотиб олмоқчи эканлигини айтганида, унинг таклифига рози бўлганини, сўнг автомашинани Латипжон ўзини номига ўтказиб олиш учун 2021 йил 09 август куни яшаш хонадонига ўзининг 2 нафар шериклари билан келиб, ушбу автомашинани Андижон шаҳрига олиб бориб, ўзларини номига хужжатларни расмийлаштириш кераклигини айтганида, улар билан ўзига тегишли “Тико” русумли автомашинани бошқариб, Андижон шаҳар, Амир Темур кўчасидаги транспорт қатнов йўлининг тўртинчи ҳаракатланиш бўлагида соатига 30-40 километр тезликда ҳаракатланганини, ҳаракатланиш давомида Андижон шаҳар Амир Темур кўчасида “Янги бозор” йўналиши бўйича кетаётиб, олдинда пиёдалар йўлакчасини кўрганини, лекин кўрган вақтида йўлакчада ҳеч ким бўлмаганини, шу вақтда бирдан йўлнинг ўзига нисбатан чап томонидан ўзи кейинчалик билган Пак Моисей ҳаракатланиб чиқиб келганини, шунда тормоз тизимини ишга туширишга улгурмасидан ҳаракатланиб бориб уни автомашинани олди қисми билан уриб юборганини, автомашинани тўлиқ тўхтатиб тушганини ва Пак Моисейни ўша ердаги йўловчи автомашиналарнинг бирига чиқариб биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун РШТЎИМ Андижон филиалига олиб борганини, 2021 йил 10 август куни Пак Моисей кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан касалхонада вафот этганини, Пак Моисейни дафн этиш учун керакли ёрдам ва тўловларни қилганини, айбига тўлиқ иқрорлигини, Пак Моисейни оила аъзоларидан кечирим сўраганини, қилмишидан пушаймонлигини, енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.



Жабрланувчининг қонуний вакили Шин Наталия Макаровна судда, миллати корейс бўлса-да Ўзбекистон Республикасида туғилиб ўсганини, шу сабабли ўзбек тилини яхши билишини ва таржимон хизматига мухтож эмаслигини, ҳозирда марҳум Пак Моисей Йен Хакович акаси эканини, 2021 йил 09 август куни кечга яқин нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлганини ва акасини автомашина уриб юборганини, оғир аҳволда Андижон шаҳрида жойлашган РШТЎИМ Андижон филиалида эканини айтганини, шунда Андижон шаҳрига келиб шифохонага борганини ва ҳақиқатдан ҳам акасини жонлантириш бўлимида оғир аҳволда ётганини билганини, лекин қилинган муолажаларга қарамай акаси 2021 йил 10 август куни касалхонада вафот этганини, кейинчалик 2021 йил 09 август куни соат 12 ларда ўзи кейинчалик таниган ҳайдовчи М.Умурзаков ўзининг бошқарувидаги “Тико” русумли автомашинасида Андижон шаҳар Амир Темур кўчасида ҳаракатланиб кетаётиб, пиёдалар ўтиш йўлакчасидан ўтаётган акаси Пак Моисейни автомашина олди қисми билан уриб юборганини билганини, М.Умурзаков акасини дафн этиш учун Россия Федерациясига юбориш ҳаражатларини тўлиқ қоплаб берганини, ўзидан кечирим сўраганини, ҳозирда М.Умурзаковга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, М.Умурзаковни кўрсатувини ва унинг ҳимоячисини фикрини, жабрланувчини кўрсатувини тинглаб, М.Умурзаковни айби кўрсатуви ва жабрланувчини қонуний вакилини кўрсатувлари, жиноят ишида бўлган воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотожадвал, суд-тиббий экспертизаси хулосалари, суд баҳолаш экспертизаси хулосаси ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд дастлабки тергов органи томонидан М.Умурзаковни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида» ги 01-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланади. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жиноий ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жиноятни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жиноятда судланувчининг роли) билан белгиланиши, 5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақидаги раҳбарий кўрсатмалар берилган.



Суд М.Умурзаковга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, илгари судланмаганини, эҳтиётсизлик оқибатидан жиноятни содир этганлигини, шахсини, оилавий шароитини, жабрланувчини унга даъвоси йўқлигини, енгиллик беришни сўраганини жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса-да, жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини, айб шаклини ва унинг шахсини алоҳида эътиборга олиб, уни биринчи марта жиноят содир этганини, қилмишидан пушаймонлигини, жиноят оқибатида зарарни мавжуд эмаслигини, жабрланувчини даъвоси йўқлиги ва енгиллик беришни сўрагани жазони жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддаси қўллаб муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб озодликдан чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, жабрланувчининг қонуний вакили Шин Наталия Макаровнани даъвоси йўқлигини эътиборга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд,-

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи	Умурзаков	Махаммаджон	Нурдинович
(Umurzakov	Махаммаджон	Nurdinovich)	Ўзбекистон
Республикаси		ЖК	

266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи	Умурзаков	Махаммаджон	Нурдинович
(Umurzakov	Махаммаджон	Nurdinovich)га	Ўзбекистон
Республикаси		ЖК	

266-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб,

3 (уч) йил муддатга ҳар қандай транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб,

3 (уч) йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазолар алоҳида-алоҳида ижро қилинсин.

Озодликдан чеклаш жазони ўташ жойи Пахтаобод тумани, Навбахор маҳалласи, Ёнғоқзор кўчаси 33-уйда ўташ белгиланиб, сутканинг кечки соат 22-00 дан эрталабки 06-00 га қадар чиқиши чеклансин.



М.Умурзаковга жазони ўташ муддати давомида транспорт воситаларини бошқармаслик, маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар қўйилсин.

М.Умурзаковга жазони ўташдан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликдан чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Жазони ижро этиш Пахтаобод туман ИИБ пробақия гуруҳи зиммасига юклатилсин, жазо ўташ муддати ҳукм белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб ҳисоблансин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаровга қўйилган жами 5.400.000 сўм пул маблағлари М.Умурзаковнинг ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Шин Наталия Макаровнани даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Андижон вилоят суди жинойт ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:
К.Шаҳобутдинов

(имзо)

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

Жинойт ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг
судьяси:
К.Шаҳобутдинов



Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович



Хужжат имзоланган: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович, 29.10.2021

